Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 3 ноябрь, чоршанба # 44 (108)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

1999 5 декабрь

2000 9 январь

ҚАНДАЙ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРАСИЗ?

Бу йилги сайловларнинг ўзгача руҳ, ўзгача шукуҳ билан ўтишига ишонаман. Яна бир бор республикамизда кўппартиявийлик асосида сайловлар ўтказилади. 1994 йилги сайловда фақатгина 2 сиёсий партия қатнашган бўлса, эндиликда 5 та сиёсий партиянинг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланмоқда. Албатта, сайловларнинг қизғин ўтиши ушбу сиёсий партияларга боғлиқ. Чунки улар ўз номзодларининг сайловларда муваффақият қозонишлари учун ҳаракат қиладилар. Демак, бу жараён сиёсий партиялар учун ўзига хос курашдир. Шахсан ўзим яқиндагина ташкил этилган Фидокорлар миллий-демократик партиясининг дастурларини, номзодларини қўллаб-қувватлайман, улар учун овоз бераман.

Фарҳод НОРҚОБИЛОВ,
Қарши туман «Камолот» жамғармаси раиси ўринбосари

(Давоми 3-бетда)

• *Республика прокуратурасида*

ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Шу йилнинг 30 октябрида Республика прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Республика бош прокурори II даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Усмон Худойқулов бошқарди.

Кун тартибидаги биринчи масала — Самарқанд вилоят прокуратураси идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 12 ноябрдаги «Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш ишини такомиллаштириш ҳақида»ги *(бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Э.Жўраев ахбороти)* ҳамда «Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги *(бўлим бошлиғининг ўринбосари М.Саидова ахбороти)* буйруқлари талабларининг бажарилиши аҳволини текшириш натижалари хусусида ахборотлар тингланди.

Маълум бўлишича, Самарқанд вилояти прокуратураси идораларида судларда жиноят ва фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш ишлари талаб даражасида эмас. Вилоят прокуратураси раҳбариятига бу соҳалардаги хато ва камчиликларни тез орада бартараф этиш чораларини кўриш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, ҳайъат мажлисида Наманган *(бошқарма прокурори А.Абдуолимов ахбороти)* ва Навоий *(бўлим бошлиғи К.Йўлдошев ахбороти)* вилоятлари прокуратуралари фаолиятини ялпи текшириш натижалари муҳокама қилинди. Маърузачиларнинг таъкидлашича, айрим соҳаларда маълум ютуқларга эришилганига қарамасдан ушбу вилоятларда жиноятчиликнинг қотиллик, номусга тегиш, ўғрилик, гиёвандлик моддаларини сотиш, фирибгарлик каби турлари тобора ўсиб бормоқда. Ушбу вилоятлар прокуратураларининг масъул раҳбарлари бунинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилашлари даркор.

Йиғилишга Республика бош прокурори Усмон Худойқулов якун ясаб, камчиликларга барҳам бериш ва мамлакатда қонунийликни таъминлаш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Ҳайъат мажлиси кун тартибида мазкур масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

(ўз мухбиримиз)

• *Учрашув*

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҚАДДАС



28 октябрь куни «Хьюман Райтс Уотч» халқаро ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё Бўлими ижрочи директори Холли Картнер мамлакатимизга ташрифи чоғида Республика прокуратурасида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Р.Қодиров билан учрашди.

Учрашувда «Хьюман Райтс Уотч» халқаро ташкилотининг Тошкент бўлими ходимлари Кристина Дебрак ва Агейша Шилт, Республика прокуратураси миллатлараро ва халқаро муносабатлар соҳасида қонунларга амал қилиниши устидан назорат бўлимининг бошлиғи А.Солихов, шу бўлим катта прокурори Б.Набиев иштирок этдилар.

Суҳбатда «Хьюман Райт Уотч» вакиллари хусусан, шу йил 16 февралда Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларини уюштиришда қатнашган шахсларни тегишли жавобгарликка тортишда фуқаро ҳуқуқларига амал қилиш масаласида бир қатор саволларни ўртага ташладилар. Шунингдек, улар айбсиз шахсларни жавобгарликка тортиш ҳоллари бор-йўқлиги, жиноят содир этишда айбдор деб топилган фуқароларнинг ҳимоя ҳуқуқи қандай таъминланаётганлиги билан ҳам қизиқдилар.

Саволларга жавоб берар экан, Республика Бош прокурори ўринбосари Р.Қодиров даставвал, ҳозирги пайтда терроризм интернационал тушунчага айланганлигини, унга қарши кураш давлатлараро кўлам касб этаётганлиги, бу бутун тараққий этган давлатларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришни тақозо қилаётганини алоҳида таъкидлади. Доғистон, Москва ва бошқа минтақаларда рўй берган воқеалар «ислом» шиори билан ниқобланган террорчиларнинг ҳаракатлари дунёни ўрта аср жаҳолатпарастлигига қайтаришни мақсад қилиб олган ягона жиноят маркази томонидан бошқариб борилмоқда, дейишга асос беради.

Бундай шароитда Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятининг бошқа аъзолари сингари терроризмга ва жиноятчиликнинг бошқа ўта хавфли кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб боришга ўзини бурчли деб билади.

Шу муносабат билан делегация аъзолари 1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ҳолатлари ва ушбу факт бўйича қўзғатилган жиноят иши юзасидан дастлабки тергов натижалари билан таништирилди.

Бош прокурор ўринбосари Р.Қодиров Республика ҳуқуқ-тартибот идораларининг бутун фаолияти мамлакат суверенитетини, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилганлигига тўхталиб, суҳбат ниҳоясида ҳуқуқ-тартибот органларимизнинг бу йўналишдаги фаолиятига халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари томонидан холис ва ҳаққоний баҳо берилишига умид билдирди ҳамда кўзланган ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

«Хьюман Райтс Уотч» делегацияси аъзолари суҳбат якунларидан қониқиш ҳосил қилганликларини билдирдилар.

(ўз мухбиримиз)

«ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» ОБУНА — 2000 «ҲУҚУҚ»

«Ҳуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журналига 2000 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна учун индексларимиз:

«Ҳуқуқ» газетаси:	«Қонун ҳимоясида» журнали:
Якка тартибдаги обуначилар учун -231	Якка тартибдаги обуначилар учун -839
Ташкилотлар учун - 232	Ташкилотлар учун - 840

Нашрларимизга республикамизнинг барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин

Обуна бўлишга шошилинг!

• *Ҳуқуқшунос минбари*

Ўзбекистон Республикаси демократия ва тараққиёт йўлидан ишонч билан бормоқда. Мустақиллигимизнинг 8 йили мобайнида турмушимизнинг барча соҳаларида теран ўзгаришлар рўй бермоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳатларни янада чуқурлаштириш, давлат ва ижтимоий қурилишни эркинлаштириш учун ҳуқуқий база яратилмоқда.

ЭРКИН САЙЛОВЛАР

Қонун ҳужжатларини, шу жумладан, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш жараёни бормоқда. Бу жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунларга айрим ўзгартишларни киритишни тақозо этди. Турмушимизда бўлаётган ўзгаришларни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида бу қонунларга тегишли ўзгартишлар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунининг 26-моддаси биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда: «Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш муддати тугагунга қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритади. Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин», деб аниқ кўрсатилган.

Сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи ва бошқа субъектлар у ёки бу шахсни номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга беш кундан кам вақт қолганидан сўнг бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Агар аввалги қонун ҳужжатларига биноан сиёсий партия, вакиллик органи ва бошқа субъектлар у ёки бу шахсни номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилган тақдирда, бу шахс номзодлик мақомидан сўзсиз маҳрум бўлган бўлса, энди киритилган ўзгартишларга биноан бундай шахсни номзодлик мақомидан маҳрум этиш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси ҳукмига ҳавола қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгартишлардан яна бири-бу Олий Мажлис депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгартишлардир.

Ўз сайлов округидаги сайловларда ғалаба қилгач, депутат этиб рўйхатга олиниши учун уни номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия овоз беришда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларнинг 5 фоизи овозини тўплаши керак, деган талаб ҳам бекор қилинди.

Сайлов тўғрисидаги қонунларнинг аввалги таҳририда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби ноаниқроқ баён этилганлиги учун ҳам сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенгликни эълон қилиш билан бирга уни амалда рўёбга чиқариш механизмини ҳам белгилаб берди.

Ҳаммамизга маълумки, «қизил империя» ҳукм сурган даврда сайловлар энг демократик сайловлар деб жар солинарди-ю, амалда бу сайловлар маъмурий буйруқбозлик, эски, ўта мафкуралашган тизим бўлиб қолган эди. Сайловларда сайловчиларнинг 99,99 фоизи қатнашди ва овоз бериб қўйилган номзодни ёқлади деб барча нарсалар бўрттириб кўрсатиларди. Сайловлар номигагина ўтказилиб, демократиядан асар ҳам бўлмасада, бутун жаҳонга ўша давр империясининг доҳийлари: «Ана кўрдингизми, коммунистлар билан партиясизлар блоки енгилмаслигини сайловлар яна бир бор кўрсатди», деб жар солардилар. Сайловларга конституцияда белгилаб қўйилган шахс ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида эмас, балки мажбуран келтириш ҳоллари демократияни бўғиб қўйган эди. Сайловчилар ўз овозларини истаган ўз номзоди учун бериши барибир номигагина бўлганлиги учун, айримлар сайлов участкасига бормасдан бир оиладан 4-6 ва ҳатто ундан кўпроқ овоз берувчи бюллетенларни бир кишига бериб юборавердилар.

Республика Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг 15-сессиясида сўзлаган маърузасида: «Барча сайловолди тайёргарлигимизнинг асосий мақсади - ҳар қайси овоз берадиган инсон, у кимга овоз беришидан қатъий назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами, аввало, ўз хоҳиш-иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз берсин», деб таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, фуқароларнинг Республикамиз Конституциясида белгилаб берилган ҳуқуқларидан амалда тўғри фойдаланишлари, ҳар бир сайловчи кимга ва нима учун овоз бераётганлигини, англаб етиши айниқса муҳим.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўқувчиларни сайлов қонунларини бузганлик учун ЖКда қандай жазо чоралари белгиланган қизиқтириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 146-моддасида: «Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Шу кодексининг 147-моддасида: «Фуқаролларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади», деб кўрсатилган.

Шундай экан, ҳуқуқий демократик жамиятимизда сайловлар ҳақиқий демократик тарзда бўлиши, сайлов ўтказиш борасида бирон бир ғайриқонуний ҳолатларга йўл қўймаслик барча мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Конституциявий бурчи эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Ф.МАҲМУДОВ, ҳуқуқшунос

• *Обуна -2000*

МАТБУОТ — ҲАЁТ КЎЗГУСИ



Мустақиллик фарзанди сифатида бизнинг вилоятимизда ҳам вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ва адлия бошқармаси муассислигида «Ҳуқуқ ва бурч» газетаси чоп этилмоқда. Қисқа вақт орасида газетамиз халқ ичига кириб борди.

Жиноятчи ўз қилмиши учун жазосини олиши тайин. Матбуотнинг вазифаси эса одамларни нафақат ҳушёрликка чақириш, балки фирибгар ва товламачилар сиртмоғига тушиб қолишидан асраш ҳамдир.

Қувончлиси, юртимизда мустақилликдан сўнг пешона тери эвазига фаровон яшаш учун катта имкониятлар яратилди. Тадбиркорликка, ишбилармонликка кенг йўл очилди. Тадбиркор қоқилмай ишлаши учун энг аввало, ўз ҳак-ҳуқуқларини билиши шарт. Ҳуқуқий жиҳатдан саводли одам эса ҳаётда ўз ўрнини топади.

Бизга турли касб эгалари мурожаат қилиб, «Фалон қонун қачон қабул қилинган» ёки «Мен уй олмоқчи эдим. Қандай ҳужжатлар керак», деб сўраб қолади. Аслида бундай саволларга ҳуқуқий газеталаримиздан ҳам жавоб топса бўлади. Бунинг учун одамда озгина ҳафсала бўлиб, бирон ҳуқуқий нашрга обуна бўлса етарли. Бундан нафақат унинг ўзи, балки оиласидагилар ҳам ютади. Мен «Ҳуқуқ» газетасининг «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукни ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Ундан мушторийлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топади. Тўғриси, баъзи адвокатлардан ҳам бундай аниқ маълумотлар олиш қийин. Газетанинг ана шундай ўқувчини қизиқтирадиган мавзулардаги чиқиши ҳам халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Яқинда «Ҳуқуқ» газетасида ўқидим. Пойтахтимизнинг А.Икромов туманида яшовчи А.Аҳроровнинг «Хизбут таҳрир» оқимига аъзо бўлиб, варақаларни тарқатиб юрганида жиноят устида қўлга олингани ёзилган.

Ҳақли савол туғилади. Бундай юрт хоинлари қаердан пайдо бўлмоқда? Воқеаларни таҳлил қилиб кўрсангиз, ҳали она сути оғзидан кетмаган бундай ўсмир ёшларда ҳуқуқий онг етишмайди. Ким қаерга бошласа кетаверади. Энг ачинарлиси, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини англаб етмайди. Менинг таклифим-ҳуқуқшунослик дарсларида ўқувчиларга ҳуқуқий газеталарда чоп этилган мақолалардаги воқеалар ва уни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилган жазолар тушунтирилса, ўйлайманки, ўқувчилар жиноят учун қонуний жазонинг муқаррарлигини қалбдан ҳис қиладилар. Бунинг учун ҳар бир мактабда ўқувчиларни ҳуқуқий нашрлар билан мунтазам таништириб боришга эътибор қаратишимиз лозим. Бунинг учун мактаб маъмурияти ташаббусни қўлга олишлари керак, деб ўйлайман.

Биз, ҳуқуқшунослар одамлар билан юзма-юз мулоқотларда «қонунни билмаслик айбни енгиллаштирмайди» деган сўзни кўп ишлатамиз. Бу бор ҳақиқат. Минг афсуслар бўлсинки, айрим фуқаролар қилғиликни қилиб қўйиб, «Бу ишнинг жиноят эканлигини билмабман» деб бошини ҳам қилиб турадилар. Кўпгина ҳуқуқшунослар бирон жиноят тафсилоти ҳақида мақола ёзишса, воқеанинг баёнини ҳикоя қилади. Бундай усул газетхон учун қизиқдир, аммо масаланинг иккинчи томони - ҳуқуқшунос айбдор учун берилган жазо ва бундай фожеаларнинг олдини олиш ҳақида мутахассис сифатида воқеани таҳлил қилса, ўйлайманки, ўқувчи ҳам бундан ўзига мулоҳаза чиқаради. Енгинни ҳикоя қилишдан кўра оловни чиқмаслиги ҳақида кўрсатма берган маъқул, дейишади-ку ўт ўчирувчилар. Агар мактаб ва олий ўқув юртларида, маҳаллаларда прокурор терговчи, судья, ҳуқуқшунос-журналистлар билан жойларда юзма-юз мулоқотлар уюштирилса, бундан нафақат ёшлар , балки ҳуқуқшунослар ҳам ютади. Бир сўз билан ифодалайдиган бўлсам, омманинг ҳуқуқий саводхонлиги ошади.

Ўткир ХУДОЙҚУЛОВ,
Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

• *Прокурор сўз сўрайди*

АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ФАОЛИЯТИМИЗ БОШ МЕЗОНИ

Бухоро вилоят прокуратураси идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг топшириқ ва кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда қонунчилик ва ҳуқуқ - тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида муайян тадбирларни амалга ошириб келаяпмиз.

Қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ - тартиботни янада мустаҳкамлаш, инсон манфаатларини, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўтган йилларга нисбатан текширишлар ва қўлланилган прокурорлик таъсир чоралари сони анча кўпайди. Бунда асосий эътиборни туман ва шаҳар прокурорларининг фаолиятига текширишларининг сонига қараб эмас, унинг самарасига, қонунлар ижросининг таъминланишига қараб баҳо бердик.

Жумладан, Бухоро шаҳрида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги «Нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси бажарилишини ўрганиб чиқдик. 1998 йил декабрь ойида Бухоро шаҳри бўйича эмиссия улушини 17,9 фоиз қилиб режа белгиланган. Шаҳардаги Тўқимачилик ва Ф.Хўжаев туман ҳокимлари томонидан якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларга патент берилгани тўғрисида чиқарилган қарорлар қонуний ўрганилганда, 94 нафар фуқаро якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланмасдан, шаҳар ҳудудидаги савдо тармоқларида жамоа асосида ишлаб келиб, кунига 80-100 минг сўм савдо қилсаларда, банкда ҳисоб рақамлари йўқлиги сабабли ушбу тушумларни банк муассасаларига топширмасдан фойдаланиб келаётганликларини аниқладик.

Бу савдо шаҳобчалари патент асосида бир ойга 5000 сўмдан жами 490 минг сўм маблағни давлатга топширган. Вилоят прокуратураси томонидан ҳокимликларнинг мазкур қарорлари бекор қилиниб, уларга банкда ҳисоб рақами очилиб, савдо дўконларида касса аппаратлари ўрнатилди. Бир кунлик савдо тушумлари қатъий назоратга олинди. Натижада уларнинг бир ойда банкка топширган пуллари 13 млн. сўмга етди. Шу йўналишда олиб борган тадбирларимиз натижасида 500 дан ортиқ жисмоний шахсларга банк муассасаларида махсус ҳисоб -рақамлари очилишини йўлга қўйдик. Бухоро шаҳрида эмиссия улуши режадаги 17,9 ўрнига 6,0 фоизни ташкил этди.



Шаҳардаги Тўқимачилик ва Ф.Хўжаев туман прокуратураларининг эмиссия бўйича текшириш ўтказишига зарурият қолмади.

Бозор муносабатлари турли-туман мулк шаклларининг мавжуд бўлишига, шартномаларнинг эркинлигига, субъектларнинг тенг ҳуқуқлилигига, эркин тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга ҳамда рақобатга асосланади. Уларга ҳуқуқнинг барча соҳалари таъсир кўрсатади.

Вилоят прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш бўйича яна бир муҳим вазифаси иқтисодий ислоҳотларнинг қонунийлигини таъминлаш бўлиб қолмоқда.

Вилоятимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Демак, аграр соҳани тараққий эттириш ислоҳотларнинг бош талаби. Ўтган йиллар давомида вилоятда пахта ва дон етиштириш бўйича тузилган контрактация шартномалари бажарилмасдан келинган. Бунинг сабабларини чуқур таҳлил қилишга тўғри келди. Хўш, таҳлиллар нимани кўрсатди? Аввало, жамоа аъзоларининг мулкка нисбатан эгалик ҳисси сезиларли эмас. Агротехника ўз вақтида ўтказилмаган. Ернинг хусусияти ва ундан оқилона фойдаланишни билмайдиган айрим фуқароларга хўжалик юритишга рухсат берилганлиги таажжублидир. Бошқачароқ қилиб айтганда, хўжалик бошлиғи етарли ҳуқуқий билимга эга эмас.

Биз деҳқон (фермер) хўжаликлари мисолида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш мақсадида махсус дастур туздик. Дастурга асосан ҳар бир туманда 5-6 тадан жами 55 та деҳқон (фермер) хўжаликларини оталиққа олдик, тўғрироғи, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари доирасида фаолият юритишлари учун амалий ёрдам кўрсатдик.

Масалан, Жондор туманидаги «Юртим Ўзбекистон» фермер хўжалиги 1997 йилда 990 минг сўм даромад қилган бўлса, унинг фаолиятига амалий ёрдам берилгандан сўнг жорий йилнинг 6 ойида бу кўрсатгич 3 млн сўмга етди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Вилоятда пахта ва дон етиштириш салмоғи йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Яхши кўрсаткичларга эришишимизнинг асосий боиси, пахта ва донни экишдан бошлаб, уни йиғиб-териб олгунга қадар барча жараёнларни доимий назоратга олишимиздир. Пахта ва дон экинларига, аввало, уруғининг сифати, унинг вилоятимиз ер майдонларига мослигига эътиборни қаратдик. Шунингдек, агротехника муддатларида сифатли экилиши, уни парваришлаш ва нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишгача бўлган барча босқичлар назоратимизда бўлди.

Ҳуқуқ - тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, тергов сифатини яхшилаш прокуратура идораларининг доимий диққат -эътиборида бўлиб, масалалар маҳкама томонидан умумлаштирилиб, натижалари вилоят прокуратураси ҳайъат мажлисларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашда ва вилоят прокуратураси раҳбарияти ҳузуридаги тезкор йиғилишларда муҳокама қилиб борилмоқда. Мавжуд камчиликларни бартараф қилиш юзасидан аниқ чора - тадбирлар белгиланмоқда.

Прокуратура идоралари фаолиятида асосий эътибор профилактик ишларга қаратилди. Меҳнат жамоалари, аҳоли, жумладан, вояга етмаганлар билан жойларда учрашувлар ташкил қилиниб, жиноятчиликка қарши курашга жамоатчиликни жалб қилиш чоралари кўриб борилди.

Вилоят прокурори ҳузурида мунтазам равишда ўтказилаётган матбуот конференцияси журналистлар билан алоқани мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлмоқда. Вилоят прокуратураси бош муассислигида чиқаётган «Адолат нури» рўзномаси фақат прокуратура ходимларининг эмас, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳам чинакам минбарига айланиб бормоқда.

Ўтган йилларга нисбатан ўғрилик жиноятини камайтиришга эришдик. Бунда албатта, ўғрилик жиноятларини содир қилган шахсларнинг хатти -ҳаракатлари турар жойларда, меҳнат жамоаларида муҳокама қилинганлиги ўз таъсирини кўрсатди. Лекин шунга қарамасдан вилоятда наркотик моддалар билан боғлиқ жиноят ва фирибгарлик жиноятлари кўпайиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бизни безовта қилаётган бу муаммолар профилактика ишларини янада кучайтиришни тақозо қилмоқда.

1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан аёллар томонидан ва уларга нисбатан содир қилинган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган алоҳида тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳаётда фаоллигини ошириш муҳим вазифамизга айланган. Шунга қарамасдан хотин -қизлар ўртасида жиноятлар рўй бериб турибди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва жамоатчиликни бу борада янада изчилроқ иш олиб бориш даъват этмоқда.

Бу ҳунук воқеаларнинг олдини олишда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш дастурини ишлаб чиққанмиз.

Вилоят, туман, шаҳар прокуратуралари раҳбарлари жойларда аҳоли билан мунтазам мулоқотлар ўтказиб турибди. Бундай юзма-юз учрашувларда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси масаласи, ҳақ-ҳуқуқларига юзаки муносабат, у ёки бу жиноят ишлари кўрилишида адолат мезонлари бузилаётганлиги очиқ-ошкора айтилмоқда. Йўл қўйилган камчиликларни жойида бартараф этишга, фуқаролар мурожаатларига тўғри муносабат билдиришга эришаяпмиз. Туманлардан вилоят марказига фуқароларнинг келиб- кетиши иқтисодий масала билан боғлиқлиги туфайли учрашувларни жойларда ўтказаётганлигимиз яхши самара беряпти. Натижада шикоят ва аризалар оқими камаймоқда.

Эътироф этиш керакки, «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун асосида олиб бораётган бу ишларимиз кўлами етарли эмас.

Прокуратура идоралари Президент Фармонлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари ижроси юзасидан мунтазам равишда текширишлар ўтказаяпти. Текширишлар сонига эмас, унинг сифат ва самарадорлигига кўпроқ эътибор қаратишни иш жараёни яққол намоён этмоқда. Баъзи ҳолларда назорат қилувчи идоралар вазифаларини ҳам зиммамизга олаяпмиз.

Прокуратура идораларида ҳалол, пок, касбига эътиқод қўйган кадрларни танлаш, тарбиялаш борасида ҳам астойдил фаолият юритишимизни давр талаб қилиб турибди. Бош прокурор кўрсатмаларига амал қилиб ёшларни масъул вазифаларга иккиланмай, ишонч билан қўяётганлигимиз бу борада ҳато қилмаётганлигимиздан далолат беради.

Р.ПЎЛАТОВ,
Бухоро вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Менимча, ҳеч бир фуқаро сайловлар жараёнида бефарқ бўлмаслиги керак. Собиқ Иттифоқ давридагидек, шунчаки овоз бериш бу галги сайловларда бўлиши мумкин эмас. Мен шу боис бир зиёли сифатида мактабда, маҳаллада демократик сайловлар қандай бўлиши, сайловчиларнинг бурчи ва маъсулияти ҳақида тушунча беришга ҳаракат қилаяпман. Сайлов ташвиқотлари ҳам бошланди. Ҳар бир сайловчи бу ташвиқотга зийраклик билан ёндошиб, элу юртнинг корига яройдиган, ватанпарвар ва халқпарвар, шунингдек юқори идораларда ўз сайловчиларининг ишончини оқлаш учун

ҚАНДАЙ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРАСИЗ?

шижоат кўрсатадиган, маънавиятли, ҳур фикрли номзодларни танлай билиши лозим. Номзодларни танлашда янглишиш жамиятимизга ҳам, ўзимизга ҳам фақат зарар келтириши мумкинлигини ҳар бир фуқаро чуқур англаб етишини истаймам.

Раҳима СЕВАРОВА, Қарши шаҳридаги 1-гимназия ўқитувчиси

Мен бу сайловларда илк бор қатнашаман. Сайлаш ҳуқуқига эга эканлигимдан мамнунман. Бугун жамиятимизда ёшлар сиёсий жиҳатдан фаолроқ бўлиши лозим. Чунки юртнинг келажаги уларнинг қўлида.

Ҳар бир номзодни кимлигини, дунёқарашини ва ўз сайловчилари учун нималар қилишга қодирлигини англаб, айниқса, унинг юрагида ёшларга хос жўшқинлик, шижоат бор-йўқлигини кузатиб, сўнгра сайлаш лозим. Депутатлик мавқеидан ўз манфаати учун, қариндошуруғлари учун фойдаланишни истаган бебурдларнинг депутат бўлиб сайланишидан худо асрасин. Қолипга тушиб қолган баъзи номзодлардан кўра сиёсий фаолиятини эндигина бошлаган ёш, ўктам кадрларга хайрихоҳман. Мен ёшлар учун овоз бераман.

Дилобар БЕРДИЕВА, Қарши Давлат санъат билим юрти талабаси

Шу пайтгача бўлиб ўтган сайловларда номзодларнинг сайлов олдидан қишлоқларга келиб қоп-қоп ваъдалар бериб кетишига ва сайлангандан сўнг бир бор, «аҳволинг қандай сайловчи» деб сўрамаслигига кўникиб қолгандим.

Матбуотни кузатиб билдимки, бу йил сайловлар «хўжакўрсин»га ўтказилмас экан. Сайланаётган номзод юртбошимиз айтганларидек «элим , юртим деб ёниб яшаса» бас.

Илгарилари сайлов бўлса оиладан бир киши бориб сайлов қоғозларини бутун оила номидан тўлдириб келарди.

Оиламдагиларнинг 4 нафари сайлаш ҳуқуқига эга, бу сайловда ҳар биримиз ўз ҳуқуқимиздан фойдаланамиз.

Январь КЎПАЙСИНОВА, Шаҳрисабз туман «Наврўз» жамоа хўжалиги ишчиси

• *Жиноят жазосиз қолмайди*

«ҚУРУҚ ҚОШИҚ ОҒИЗ ЙИРТАР»



Ноннинг хушбўй ҳидида ҳаёт бор. Ноннинг мағзида мамот мужассам. Ризқ -рўзимиз қадри, улуғлиги шунда бўлса, не ажаб.

Нон-дастурхон кўрки, тўкинлик рамзи. Энг азиз меҳмонимизни ҳам аввало нон билан сийлаймиз. Нонни бирон таом билан тенглаштириш мумкин эмас. Нонсиз яшаб бўлмас, гапни ошаб бўлмас, дейдиларку?!

Кексаларимиз ноннинг ушоғи ерга тушганини кўришса ранжишади. Даҳшатли уруш, қаҳрли қатағон йилларида бир бурда нонга зор бўлган, қаҳатчилик, очарчиликнинг заҳрини тотганлар нонни топтаганни, увол қилганни кечирмайдилар.

Когон шаҳрида рўй берган нонкўрликни кўз кўриб, қулоқ эшитмаганлиги тайин. Бу қилмиш жиноят оламида камдан-кам учрайди. У қандай нобакорлик дерсиз?

1998 йил дон ўрим-йиғими мавсумида «Олтин хирмон» жамоа корхонасига қабул қилиб олинган 108375,5 килограмм буғдой талон-тарож қилиниб, унинг ўрнига шунча миқдордаги қум ташиб келтирилган. Эл ишончини топтош, ризқ-рўзга хиёнат бундан зиёд бўлиши мумкинми? Қайси ақл-фаросат, виждон билан инсон зоти бу ишга қўл урди экан?!

Когон шаҳар «Олтин хирмон» жамоа корхонаси омбор мудири Қаҳҳор Болтаев 44 ёшида иймон, эътиқод, диёнатни унутди. Нафс бандасига, текин даромад шайдосига айланди. Нима, катта корхонага омбор мудири бўла туриб «қуруқ қошиқ оғиз йиртар» нақлини ёддан чиқарсинми?

1995 йилдан буён омбор мудири лавозимида ғоз юриш қилиб юрган Қ.Болтаев 1998 йилга келиб шундай ғояни ўз шиорига айлантирди. Ҳамтовоқлари - тракторчи Ҳамроев , ҳайдовчи Тўймурод Баротовлар билан жиноий тил бириктириб чўнтак қаппайтирмоқчи бўлди. Омбордан 1998 йил июнь ойидан октябрь ойигача 1950759 сўмлик - 108375,5 килограмм буғдой гумдон бўлди, талон-тарож қилинди.

Одамзотга инсоф ҳам керак-ку! Омборда камомад жуда катта бўлди. Унинг жойини тўлдириш йўлини топиш зарур бўлиб қолди. Бу ташвиш омбор мудири олдида тоғдай тўсиқ бўлолмади. Эпчил ҳамтовоқлар муаммони ечишда унга қўл-қанот бўлдилар.

- Жуда тўғри айтдингиз, хўжайин,- унинг фикрини қўллади тракторчи Даврон Ҳамроев.

- Сотиб ўзлаштирган буғдойимизнинг ўрнини қум билан тўлдирамиз.

- Еганнинг қусмоғи ҳам бор. Қинғирлигимиз юзага чиқмасинда. Йўқса...

- Нафасингни иссиқ қил, ундан кўра Даврон акага эргашиб қумни тезроқ ташиб келтириш ҳаракатида бўл, - деди ҳайдовчи Тўймурод Баротовнинг сўзини чўрт кесиб омбор мудири.

Нобакорлар оёғи олти, қўли етти бўлиб «ишга» киришиб кетдилар. Белгиланган миқдордаги қум пешма-пеш ташиб келтирилди. Кўзлар чирт юмилиб, омборхонадаги буғдойга қўшиб қўйилди.

Мансабни суиистеъмол қилишда суяги қотган омбор мудирининг ишни ташкил этишда ҳам анча «тадбиркор»лиги шерикларини шер қилиб қўйганди. Айниқса «улар самарали» меҳнатларидан сўнг мудирнинг омборидан бир қисм буғдой, яъни 48071,5 килограмм қум аралаш буғдойни «Асака дон маҳсулотлари» очиқ турдаги акционерлик жамиятига жўнатиб улгурганига қойил қолишди. «Демак, хўжайинга эргашиб хато қилишмаган. Юлдузни бенарвон урадиганлар тоифасига мансуб «назари баланд» киши билан қўл олишсанг кам бўлмайсан». Шундай хаёл билан ўзларига тасалли беришди, шериклари.

Бироқ «Олтин хирмон»даги виждонни жиғилдонга айлантирган нонкўрлар қаттиқ янглишдилар. Малакали терговчилар томонидан пухта олиб борилган тергов уларнинг жиноятини фош этди.

Омбор мудири Қ.Болтаев елкадошлари Т.Баротов ва Д.Ҳамроевлар билан жиноий тил бириктириб, ғайриқонуний ҳаракатлари оқибатида «Олтин хирмон» жамоа корхонасига 133164 сўм 30 тийинлик кўп миқдорда зарар ва жиддий зиён етказганлар.

Вилоят суди эл нафратига учраган бу бадкорлар устидан одил ҳукм чиқарди.

Омбор мудири Қ.Болтаев умрининг 13 йилини, Т.Баротов ҳамда Д.Ҳамроевлар эса 8 йиллик ҳаётларини темир панжаралар ортида ўтказадиган бўлишди.

Тўймурод Баротов 52 ёшда, Даврон Ҳамроев эса 50 ёшга яқинлашиб қолган. Ҳар уччала жиноятчининг ҳам оиласи, севимли фарзандлари бор. Улардаги ғурур, орият, номус, ўзбекона қаноат қаерда қолди? Нафс гирдоби, нонкўрлик уларнинг қисматига айланмаслиги мумкин эдику?!

Ноннинг ушоғини кўзга суртадиган элим! Бундай бандаларни парвардигор кечирармикан?

Муҳиддин ВОҲИДОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси

• *Ажаб қиёфалар*

ОШИҒИ ОЛЧИ БЎЛГАН



Ривоят қилишларича, кўзи ожиз киши куппа -кундуз куни чироқ кўтариб келаётган экан. Ҳайрон бўлган бир киши мазах қилиб бунинг боисини сўрабди:

- Эй, нодон инсон, - жавоб қилибди у. - Менку ожиз бўлсам ҳам йўлимда кетаяпман. Сенга ўхшаган кўзи очиқлар ойдин кунда йўлдан адашмасин, деб чироқ кўтариб юрибман.

Хўш, туппа-тузук, ақл - фаросатли инсон нега тўғри йўлдан тояди?

Яқинда Пешқу туманида вилоят суди нафс гирдобига ботган тўрт ҳамтовоқ устидан ҳукм чиқарди. Ҳа, улар бир, икки эмас, тўрт киши. Ҳаммаси эл назарига тушган, эътибор қозонган, лавозимга эга кишилар. Ибратли оилаларда ўсиб, улғайган. Кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган оилаларга бош.

Қойил Имомов- Пешқу туман «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси. Олий маълумотли, туманда қишлоқ хўжалигининг кўзга кўринган мутахассисларидан. 7 нафар фарзанднинг отаси.

Жўрақул Фармонов- шу жамоа хўжалигининг ферма мудири. Чорвачилик билимдони. Оилали. 4 нафар фарзанди бор.

Матёқуб Баҳромов- жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси. Бутун бошли жамоанинг молиявий аҳволи, иқтисодиётини кафтида ушлаб турган киши. 4 нафар фарзандни орзу-умидлар билан улғайтираётган ота.

Ва ниҳоят, Салим Тўхтаев - жамоа хўжалиги тафтиш комиссияси раиси. Бу кишининг қаллоблар билан тил топишганининг ўзи кишида ҳайрат уйғотади.

Барча қилғиликлари ғайри қонуний эканлигини яққол кўриб, унинг оқибатини яхши тушунган бу инсон наҳот 5 нафар фарзанди тақдирини ўйламади? Жиноятчиларнинг шеригига айланди.

Хўш, бу ҳамтовоқларни нималар бирлаштиради? Меҳнат жамоаси ишончини оқлаш ўрнига улар нега ғаламисликка қўл урдилар? Мансабини суиистеъмол қилиб, шахсий манфаат, текин даромад топиш йўлига ўтдилар? Воқеалар тафсилоти билан танишсангиз уларнинг мақсадларидан огоҳ бўласиз.

1998 йилнинг сентябрь ойи. Кунлар салқинлашган. Олтин фасл ўз чиройини кўз-кўз қилган. Далада эса иш қизғин. Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш зарур. Бундай пайтда катта-ю кичикнинг ўрни далада.

Буни қарангки, барча ишга бош - қош бўлиб юрган «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Қойил Имомов кўзга кўринмайди. Кейинги пайтда тумшайиб, қовоғидан қор ёғиб қолган раиснинг юриш-туриши ўзгарган. Мавсум даврида уни ҳосил тақдиридан бошқа нима ташвишга солиши мумкин?!

Ҳақиқатан ҳам у нимадандир безовта. 1998 йил февраль ойида фаолиятини бошлаган раис меҳнат қилди. Эл назарига тушиш, обрў-эътибор топиш учун елиб-югурди. Хўжалик кўрсатгичларини яхшилашда маълум натижаларга эришди ҳам. Айниқса, моддий жавобгар шахсларни обдон ўрганди. Баъзиларини ўзи танлаб ишга қабул қилди. Атрофига «ўзига мос» кишиларни тўплади. Ошиғи олчи бўлди. Унинг тунд, ташвишли чеҳрасига қараб кўпчилик ҳайрон.

Дала ишларига қўл силтаб ферма мудири уйига ташриф буюрган раис унга «ёрилди».

— Жўрақул ака, бу ёғи қандоқ бўлди. Оз эмас, кўп эмас 140 бош қўйнинг бошига сув қўйибмиз. Бу бозор нархида 957000 сўм бўлади. Юрагим нотинч, бир йўлини топиш керак. Текшир-текшир бўлиб қолса кирдикорларимиз очилиб қолиши тайин.

- Раис, шунинг ҳам ғамини ейсизми? Кўпчилик бўлиб, каллани бир жойга қўйсак, ҳар қандай мушкулотнинг ечими топилади, - деди босиқлик билан ферма мудири.

- Фақат ҳар бир ишда пухталик, тадбиркорлик, уддабуронликни унутмаслик лозим. Қоғозларни тўғрилаб қўйсак бўлди. Қани, ким бизга юрак ютиб даъво қилади?

- Дилимдагини топди-я, хумпар, - кўнглидан ўтказди раис. - Энди бош ҳисобчи билан тафтишчининг юрагига қўл солиб кўриш лозим.

Қ.Имомов адашмаган экан. Улар ҳам раиснинг ишончли суянчига айланишди...

Қаллоблик 1998 йилнинг 5 ноябрида ҳамда 12 декабрь кунлари аслида бўлмаган вакиллик йиғилишининг қалбаки баённомасини тайёрлашдан бошланди. Анча саводли, «мўмин-қобил» йигит Ж.Намозовни чақиртирган раис мақсадни тушунтириб, буюрди:

- Йиғилиш баённомасини шундай ёзгинки, ишкали чиқмасин.

- Қандай бўларкин, сохталиги билиниб қолса...

- Менинг айтганимни қил, жавобгарлиги ҳам бўйнимда,- иқтисодчи йигитнинг сўзини чўрт кесди раис.

Кўп ўтмай вакиллар йиғилишининг қалбаки баённомаси тайёрланди. Унда жамоа хўжалигининг 21 нафар аъзосига 38 бош - 220020 сўмлик қўйлар берилганлиги кўрсатилди. 21 нафар аъзога 38 бош қўй иш ҳақи сифатида тарқатилганлигини тасдиқловчи қалбаки ведомост ҳам, юк хатлари ҳам тузилди.

Шундан сўнг ферма мудири Жўрақул Фармонов билан ўзаро жиноий тил бириктириб ўзлаштириб юборилган 65 бош 520 минг сўмлик қўйлар ҳам жамоа хўжалигининг 29 аъзосига иш ҳақи ўрнига тарқатилганлиги тўғрисида тузилган қалбаки ведомостни ҳеч иккиланмай тайёрлаб қўйишди. Энг қизиғи, 29 нафар жамоа аъзоларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар этказилганлиги уларнинг парвосига келмади.

Жамоа хўжалигида сохталик, фирибгарлик кучайгандан кучайди. Ўзи хон, қўланкаси майдон мансаб эгалари шахсий манфаат, сохта обрў орттириш йўлида қинғирликнинг чигал кўчаларида анча елиб югуришди. Давлатга 1178000 килограмм дон етиштириш, 3 гектар ердан

• *Қонун олдида ҳамма тенг*

ЯХШИЛИК ҚИЛ, АММО...

Айтишларича, Искандар Зулқарнайн вафотидан кейин қўлини тобутдан чиқариб қўйишларини васият қилган экан. Ярим дунёни эгаллаган, беҳисоб мол-давлати, бойликлари бўлган одамнинг дунёдан қуруқ қўл билан кетаётганлигини таъкидлаш мақсадида. Дарҳақиқат, мол-мулк ортимизда қолади, дунёдан олиб кетадиганимиз ёлғиз савобдир.

Савобталаб одамларимиз. Бировларга яхшилик қилсак, ҳужжатини чиқарсак, деймиз. Айниқса, сизга ҳадди сиғиб, илтимос билан мурожаат этишса йўқ деёлмайсиз, имкониниз бўлса, албатта. Аммо масаланинг бир томони бор. Имконингиз бўлмай туриб, «хўп» деб қўйсангиз, охирида бармоғингизни тишлаб қоласиз. «Имконингиз бўлмай туриб» деган жумлани «қилаётган ишингиз қонунга мувофиқ келмаса», деб ўқисангиз ҳам майли.

1999 йил бошларида одатдаги кунларнинг бирида Зомин туман Коммунал хўжалиги бошқармасида бош ҳисобчи бўлиб ишловчи Абдуқодир Дониёровнинг хонасига узун-қисқа бўлиб бошқарма ишчилари С.Холиқов, А.Абдулатипов, А.Маматқосимовлар кириб келишди. - Бироз вақт у ёқ бу ёқдан гаплашишгач, улар «деворнинг ҳам қулоғи бор» қабилида бош ҳисобчининг қулоғига бир нималар деб шивирлашди. Кейинчалик терговда аниқланишича, улар А.Дониёровдан йиллик иш ҳақлари тўғрисида маълумотнома беришни, маълумотномада иш ҳақи миқдорини камайтириб кўрсатишни илтимос қилишган экан.

- Нега? - деди А.Дониёров ўсмоқчилаб.

- Шундай қилмасак, қишлоқ фуқаролар йиғинидан 16 ёшгача бўлган фарзандлар учун тўланадиган нафақани ололмаймиз, биродар! - дейишди улар ялинганнамо. - Ўзинг биласан, оилавий шароитимиз оғир. Болаларга нон топиб бериш керак. Устбош, китоб-дафтар дегандай...

Уларнинг бу гапларига тарновдаги муз ҳам эриб, чак-чак томаётганлиги деразадан кўриниб турарди. Бош ҳисобчининг юраги муздан эмас-ку, тўғрими?

- Бўпти, танишчилигимиз, бир жойда ишлашимиз ҳурмати сизлар учун бир марта қонунни бузсам, бузибман-да, - деди



Пешку туман прокуратурасининг янги биноси

бош ҳисобчи ва ҳар бирининг 1998 йил учун олган иш ҳақи 31152 сўм бўлса ҳам, С.Холиқовнинг йиллик иш ҳақи 23700 сўм, А.Абдулатиповники 26998 сўм, А.Маматқосимовники 12600 сўмни ташкил қилади деб, сохта маълумотнома ёзиб берди. Бу билан А.Дониёров ЖКнинг 209-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатларини содир қилди.

Қонунбузарлар орасида «бошлаб олиш қийин, кейин ўзўзидан кетаверади», деган тушунча мавжуд. Бирмунча вақтдан кейин А.Дониёров, хоҳласа-хоҳламаса, такроран қонунни бузишга мажбур бўлди. Яъни, бошқармада ишламайдиган танишлари П.Каримбердиев, К.Дониёров, Ж.Мусаевлар «корхонада ишлаган» деган мазмунда маълумотнома ёзиб беришни илтимос қилишганида, йўқ деёлмади. Бу билан у ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноят аломатларини содир қилди.

Мазкур олти шахс тақдим этган сохта маълумотномаларга асосан «Ширин» қишлоқ фуқаролар йиғини уларга 1999 йилнинг март, апрель ойлари учун умумий миқдори 17952 сўм бўлган нафақаларни тўлаб юборган.

Зомин туман молия бўлими томонидан Ширин қишлоқ фуқаролар йиғинида Вазирлар Маҳкамасининг 234-ва 237-қарорлари ижроси текширилганда юқоридаги фактлар ошкор бўлиб қолди.

Ажабланарлиси, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Х.Холбўтаев маълумотномаларнинг сохта эканлигини «билмаган» эмиш. Бўлса бордир. Аммо барибир фуқаро Холиқов Сафар Садирович нима учун «Сафар Садиров» номига ёзилган маълумотнома тақдим этаётганлигини суриштириб кўриши лозим эди. Яна С.Холиқовнинг «Маълумотномада иш ҳақини камайтириб кўрсатилганидан мутлақо хабарим йўқ» дея тонганига нима дейсиз?

Қилган қилмиши учун А.Дониёров қонунчилигимизга кўра, тегишли жазосини олди.

Яхшилик қилу сувга ташла, балиқ билади, балиқ билмаса холиқ билади, дейдилар. Жуда тўғри гап. Аммо А.Дониёров билан боғлиқ ҳодиса яхшиликни қонун доирасида қилиш зарурлигини, қилганда ҳам арзийдиган одамларга қилиш кераклигини англатади.

Бахтиёр ШОИМОВ,
Зомин туман прокурори

ҚАЛЛОБЛАР

50 тонна картошка етказиб бериш режасини бажариш йўлида амалга оширилган қаллобликлар ҳаммасидан ошиб тушди.

1998 йилда дон етиштириш бўйича жамоа хўжалиги билан 54 нафар пудратчи ўртасида тузилган шартнома мажбуриятларининг 39 таси аро йўлда қолиб кетди. Шартномага мувофиқ пудратчи белгиланган миқдорда маҳсулот етиштирмаган тақдирда топширмаган дон маҳсулоти учун қилинган харажатларнинг 50 фоизини қоплаши лозим. Демак, жамоа хўжалиги 39 нафар пудратчидан қилинган харажат - 1526370 сўмнинг 50 фоизи, яъни 763365 сўмини ундириши лозим.

Лекин раис бундай йўл тутмади. У хўжалигини илғорлар сафида кўришни истади, чоғи. Қоғозда бўлса-да, белгиланган режани бажаришга киришди.

Аслида етиштирилмаган 95166 килограмм миқдордаги 523108 сўмлик буғдойни жамоа хўжалигининг 69 нафар аъзоларига иш ҳақи ўрнида тарқатилди, деб сохта ведомостлар туздирди. Уларга сохта маълумотлар киритди. Айни пайтда аъзоларни жамоа хўжалигидан қарздор этиб, уларни иш ҳақи олишдан махрум қилди.

Оқибатда жамоа хўжалиги аъзоларидан 69 нафарининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жуда кўп миқдорда, яъни 923108 сўмлик такроран зарар етказилди.

Картошка етиштириш мажбуриятини уддалай олмаган пудратчилар Нурия Бобоева ҳамда Рашид Баҳроновларга нисбатан ҳам худди шундай «усул» қўлланди.

Қойил Имомов жамоа хўжалиги аъзоларига иш ҳақи тақсимотида ҳам ўзининг ғаройиб «ихтиро»ларини ишлатгани кишини ҳайратга солади. Жамоа хўжалигининг иқтисодий аҳволи, оддий меҳнат тарзи уни умуман қизиқтирмаганига яна бир бор амин бўласан, киши. Бўлмаса хўжаликнинг жами 542 нафар аъзосига уларнинг 1997 йилда хўжаликдан 1014021 сўм иш ҳақидан қарзи бўлишига қарамасдан иш ҳақи ҳисобидан жамоа аъзоларга 1267316 сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бериб, кўп миқдорда зарар етказармиди?!

Шу тариқа Қойил Имомов ўзининг жиноий ҳаракатлари билан жамоа хўжалигига жуда кўп миқдорда, яъни 6535950 сўм зарар етказди.

Раиснинг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги саккиз ойлик фаолияти давомида амалга оширган қинғирликларига ҳеч ким монеълик қилмади. Ошиғи олчи бўлган қаллобнинг мушугини «пишт» дейишга бирор кимсанинг ҳадди сиғмади. Хўжаликнинг иқтисоди, равнақи, тақдирига бевосита жавобгар бўлган корчалонлар - бош ҳисобчи, ферма мудири, тафтишчи эса унинг ғаламисликларини фош этиб шармисор қилиш ўрнига, қўлига сув қуйишдан чарчашмади. Уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, «давру даврон келганда яйраб қолай» қабилида йўл тутдилар. Ғайриқонуний ишларини амалга оширишда кўмаклашдилар.

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Ҳар бир ножўя босилган қадамнинг жавобгарлиги бор. Қолаверса, қонун устиворлиги таъминланган мустақил юртимизда ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат жазосиз қолмайди. Шу маънода суд бу ҳамтовоқлар қилмишлари устидан одил ҳукм чиқарди. Қ. Имомов 10 йил, Ж.Фармонов 9 йил озодликдан маҳрум этилдилар. М.Баҳромов ҳамда С.Тўхтаевлар ҳам қилмишларига яраша тегишли жазога тортилдилар. Мен фикримнинг охирида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, ҳар бир мансабдор, моддий жавобгар ёки ҳар бир фуқаро ўз касбига виждонан, ҳалол ёндошмас экан, Ватанга, халқига фидоий муносабатда бўлиб, эл - юрт учун ёниб яшамас экан, бундай шахслар халқимиз нафратига учрашлари муқаррардир.

Бобир СОБИРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси Тергов бошқармаси прокурори .

• *Ахборот*

ҲУҚУҚШУНОСЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Қашқадарё вилоятида ҳар ойнинг сўнгги чоршанбасида «Ҳуқуқий билимлар куни»ни ўтказиш анъанага айланиб қолган. Шу муносабат билан Қарши шаҳридаги «Ўзбурғунефт -газ» акционерлик компанияси мажлислар саройида компания ишчи-хизматчиларининг вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан учрашуви бўлди. Унда вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиқлари Ш. Қўшоқов, З. Абраев, Э. Жўраев, М. Каримов, вилоят прокурорининг катта ёрдамчилари Д. Мадиев, Ё. Азизов, вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ҳ. Жабборов ва бошқалар вилоятда жиноятчиликка қарши кураш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилаётган ишлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, диний экстремизмга қарши кураш ва бошқа масалалар тўғрисида гапирдилар. Ҳуқуқшунослар йиғилганларнинг саволларига жавоб бердилар.

Шу куни вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳуқуқий билимлар куни бўлиб ўтди.

Даврон СУЛТОНОВ



Бухоро вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси М. Муҳамедов, Пешку тумани прокурори ёрдамчиси О.Изатуллаев, вилоят маънавият ва маърифат маркази бошлиғи Ф.Аминов ва Пешку туман ҳокими ўринбосари М. Абдураҳимовалар навбатдаги тадбирни ўтказиш хусусида суҳбат ўтказмоқдалар

• *Журналист текшируви*

УЙНИНГ

Ушбу мақолани ёзишни бошлаганимга икки йил бўлди. Икки йил унинг ниҳоясини кутдим. Мана, назаримда нуқта қўйиш фурсати етди. Аммо ёш болали она Н. Ҳожиеванинг сарсон-саргардонликларига нуқта қўйилармикин?

Билмадим... Билмадим... Бироқ маълуми шуки, Н. Ҳожиева ҳамон оввора, ҳамон адолат сўраб юрибди.

Н. Ҳожиева томонидан ёзилган шикоят хати тахририятимизга биринчи марта 1997 йил келиб тушганди. Ўша вақтлар суд давом этаётганлиги сабабли журналист текширувини ўтказиш тўхтатиб турилди. Кейин яна ёзди. Суд эса ҳамон давом этарди. Яқинда эса Н. Ҳожиева ва «Матонат» маҳалласи аёллари (жами 21 нафар имзо) нинг шикоят хатини олдинма-кетин қабул қилиб олдик. Мана, ниҳоят биз ҳам ёзишга киришдик.

Н. Ҳожиеванинг маълум қилишича, у турмуш ўртоғи А. Ҳожиев билан Юнусобод тумани Марказ-5, 35-уй, 70-хонадонга Л. Дунаеванинг илтимоси билан 1995 йилда кўчиб келган. Л. Дунаеванинг ёнқўшниси, энг яқин дугонаси Людмила Валиеванинг айтишича, А. Дунаев (марҳуманинг ўғли) Россияга кўчиб кетганидан кейин Л. Дунаева ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан анча қийин аҳволга тушиб қолади. Шунинг учун Л. Валиева имкони даражасида (гоҳ пул билан, гоҳида озиқ-овқат билан) Л. Дунаевага ёрдам бериб турган. Аммо кейинги пайтларда А. Валиеванинг имконияти камайгани - уйида камроқ бўлаётганлиги сабабли Л. Дунаева уйига Ҳожиевлар оиласини кўчириб келишга қарор қилади.

Л. Дунаева уйига Ҳожиевлар оиласи кўчиб келиб яшай бошлаганидан сўнг, улар кўрсатган эъзоз, парваришдан хурсанд бўлиб, 1996 йилнинг апрел ойида «Мени ташлаб кетиб қолманглар. Менинг қизим ҳам, ўғлим ҳам сенлар!» деб, аввал уларни уйга рўйхатга киритади. Сўнгра (1996 йил 27 ноябрь куни) уларга миннатдорчилик рамзи сифатида Юнусобод туман 3-сонли Давлат нотариал идораси орқали уйни мерос қилиб қолдириш тўғрисида Н. Ҳожиева номига «Васиятнома» беради.

1996 йил 28 декабрь куни Л. Дунаева вақти-соати етиб вафот этади. Уни сўнгги манзилга узатиш харажатлари Ҳожиевлар оиласи зиммасига тушади. Улар бу масъулиятни иккиланмасдан адо этишди.

Шундан сўнггина, 1997 йил 18 март куни Н. Ҳожиева марҳума томонидан берилган «васиятнома»га мувофиқ уйга эгалик ҳуқуқини беришни сўраб Тошкент шаҳар 1-сонли Давлат нотариал идорасига мурожаат қилган. Нотариал идора вакили А. Абдумаликов ҳужжатларни кўздан кечириб, 6 ой кутиш лозимлигини, агар шу давр ичида бошқа бирон киши мерос ҳуқуқини сўраб мурожаат қилмаса, мерос гувоҳномасини беришини айтади. Ва 1997 йил 11 сентябр куни Н. Ҳожиева уйга эгалик ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олди.

Л. Дунаева вафот этганидан қарийб бир йил кейин - 1997 йил 10 ноябрь **(эслаб қолинг!)** куни марҳуманинг ўғли А. Дунаев Юнусобод туман судига даъво ариза ёзади. Туман судида бир йилдан ортиқроққа чўзилган музокаралардан кейин - 1998 йил 25 декабрь куни Л. Дунаевани муомалага лаёқатсиз деб топди ва шу сабабли Юнусобод туман 3-сонли Давлат нотариал идорасининг 1996 йил 27 ноябрдаги 1-1783 рақамли Н. Ҳожиева номига берилган васиятномани ҳамда мазкур васиятнома асосидаги 1997 йил 11 сентябрь куни 1-сонли Давлат нотариал идорасининг 13-1406 рақамли мерос гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб ҳисоблаб, **Ҳожиевалар оиласини Марказ-5, 35-уй, 70-хонадондан бошқа турар жой бермасдан кўчириб чиқариш тўрисида ҳал қилув қарорини эълон қилади.**

Белгиланган муддатда Н. Ҳожиева Тошкент шаҳар судига Юнусобод туман судининг ҳал қилув қарори устидан кассация тартибида шикоят хати ёзади, аммо шаҳар суди З. Исматиллаев раислигида туман судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди.

1999 йил 23 август куни суд қарори ижро этилди.

***

Ҳа, ёлғоннинг ёлғонлигига ишонтиришдан кўра, ростни ёлғонга чиқариш осон деганлари бор гап экан. Агар шу сўз ёлғон бўлганида Н. Ҳожиева ҳам ўз уйида тинч, бола-чақасининг қучоғида хузур-ҳаловатда ўтирган бўлармиди? Яна ким билсин, дейсиз? Бироқ ҳақиқатни четлаб ўтиб бўлмас экан.

Журналист текшируви даврида шу нарсага амин бўлдикки, Юнусобод туман суди 2-104-98 сонли фуқаролик ишини аввал бошдан туман судининг собиқ раиси Р. Абдулҳасанов раҳбарлигида ФПК талабларини четлаб ўтишга, ишни бир томонлама кўришга қаратилган ғайриқонуний ҳаракатлардан бошлаган. Яъни, 1997 йил 31 октябр куни Р. Абдулҳасанов Юнусобод туманидаги 31-поликлиникага 1/20 рақамли хат ёзиб, марҳума Л. Дунаевага тегишли бўлган тиббиёт дафтарчасини мазкур (1/20 рақамли) хатни олиб борган киши (даъвогарнинг қонуний вакили **(эслаб қолинг!)** Л. Туркеева)га беришни сўрайди. Ва «Тиббиёт дафтарчаси» (ишда ҳал қилувчи ҳужжатни) даъвогар тарафга тутқазилади.

ИККИНЧИдан, судья И. Боева 1997 йил 5 ноябрь куни Юнусобод туманидаги 3-сонли Давлат нотариал идорасига К-9 рақамли хат ёзиб, Л. Дунаева томонидан Н. Ҳожиева номига берилган васиятноманинг ва бошқа ҳужжатларнинг нусхасини беришни сўрайди.

Мазкур хатни тўлиқ келтириш ўринлидир:

«3-ГНК Юнусабадского района г. Ташкента
05. XI. 97 г. К-9

В связи с рассмотрением гр. дело по иску Дунаева А. к Хожиевой Н. о признания недействительным, прошу ВАС выдать копи всех документов по завешанию от 27. XI. 96 г. от имени Дунаевой Л. оформленного в Вашей нотконторе.

Ответ прошу вручать подателю сего письма.

Судъя И. А. Боева».

УЧИНЧИдан, 1997 йил 7 ноябрь (эсладингизми?) куни (мазкур ишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар даъвогар тарафнинг қўлига олиб берилганидан 7 кундан сўнг) даъвогар А. Дунаевнинг «даъво ариза»си туман судига келиб тушади. Жуда қизиқ. Шундай эмасми?

Бироқ янаям қизиқроғи, даъвогар А. Дунаевнинг «даъво ариза»си 1997 йилнинг 10 ноябр куни ёзилган. Бундан ташқари, даъвогар «даъво ариза»сини ўз имзоси билан тасдиқламаган.

Шунинг ўзиёқ 2-104-98 сонли фуқаролик ишини Фуқаролик Процессуал кодексининг 362-моддасига мувофиқ қайта кўришга асос бўлади. Аммо масаланинг у томонига ҳам бокмоқ жоиздир. Зеро туман судининг собиқ раиси бошчилигида олиб борилган бу ҳаракатлар нимадан дарак беради? Балки туман судининг собиқ раиси Р. Абдулҳасанов «Фуқаролик иши» кўзғатилмасдан олдин ҳаракатларни амалга ошириб олиш тўғрисида кўрсатма ишлаб чиққандир?

Яна билмадим. Бироқ сир эмаски, **Ўзбекистон давлатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал кодексининг 5-моддаси**га мувофиқ барча суд органлари:

«1) ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризасига биноан;

2) прокўрорнинг аризаси бўйича;

3) агар давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича» фуқаролик иши қўзғаши ва ҳаракатлар олиб бориши мажбурийдир.

Дарҳақиқат, **қонун кишилар томонидан қилиш мумкин-мумкин бўлмаган чегарада белгиланган. Мазкур чегарадан чиқиш - у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин - ижтимоий хавфлими, демак жавобгарлик белгиланиши шарт. Ҳуқуқий демократик жамиятнинг муҳим, ўзига хос ва мос принципи шудир.**

Шунинг учун ҳам бугун ҳеч бир ҳаракат, бирон-бир савол очиқ қолмаслиги лозим.

Давом этаётган ҳаракатлар, олиб борилаётган музокаралар бир томонлама - тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланмасдан олиб борилаётганлиги сабабли жавобгар тараф туман суди раисига (яна Р. Абдулҳасановга) норозилик хатини ёзгач, **ишни олиб бориш туман суди судъяси Л. Ўмировга ўтказилади.**

Бироқ асосий ҳаракатлар амалга ошириб бўлинган эди. Шу сабабдан иш яна ўша — эски ҳаммом, эски тос тарзида давом этаверди. Ва туман суди Л. Дунаевани ўлимидан карийб икки йил кейин муомалага лаёқатсиз деб топди. **Л. Дунаева муомалага лаёқатсиз эдими?** Журналист текшируви даврида Юнусобод туман 3-сонли Давлат нотариал идораси вакили В. Овсянникова билан суҳбатлашиб, шу хусусда сўрадик:

-Лидия Георгиевна ўқимишли, маданиятли аёллиги, гап-сўзидан, ҳаракатларидан ақли расолиги кўриниб турарди. Мен буни қонун талабларига мувофиқ текшириб кўриб, шундан кейин «васиятнома»ни тасдиқлаганман.. Яна шуни айтишим мумкинки, Лидия Георгиевнадан «Нима учун уларга»(Н. Ҳожиева ва А. Ҳожиев назарда тутиляпти) ***уйни бераяпсиз, ўзингизнинг ўғлингиз бор экан» деганимда, ўғли қарашмаётганлигини айтиб, ўз онасидек қараётган, парваришлаётган Н. Ҳожиева-га миннатдорчилик рамзи сифатида уйни мерос қилиб қолдиришга қарор қилганлигини айтганди.***

Дарвоқе, Л. Дунаева биринчи марта 1991 йил 8 февраль куни ўғли А. Дунаевга уйни мерос қилиб қолдириш тўғрисида нотариал идора орқали «васиятнома» берган. Орадан 7 йил ўтгач, яъни 1996 йил Н. Ҳожиевага ҳам васиятнома орқали ворислик ҳуқуқини берган. **Даъвогар А. Дунаев жавобгар Н. Ҳожиевага берилган «Васиятнома»даги имзо шахсан онаси Л. Дунаевага тегишли ёки тегишли эмаслиги тўғрисидаги талабни қўйиб, хатшунослик экспертизаси ўтказиш лозимлигини айтади. Экспертизада мазкур имзо ҳақиқатан ҳам Л. Дунаевага тегишли эканлиги исботланади.**

Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига мувофиқ Л. Дунаева ўз уйига эгалик қилиш ҳуқуқини васиятнома орқали Н. Ҳожиевага мерос қилиб қолдирган. Чунки, Л. Дунаева ФКнинг 1127-моддаси 3-бандига асосан ўғли А. Дунаев номига 1991 йил 8 февраль куни берган «васиятнома»ни Н. Ҳожиева номига 1996 йил 27 ноябрь куни берган «васиятнома» орқали бекор килган. Яъни, **«Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади»** (Фуқаролик кодексининг 1127-моддаси). Мазкур модда «Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар» китобида қуйидагича шарҳланади: **«Янги васиятнома тузиш йўли билан олдин тузилган биринчи васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид қисми бекор қилинади. Янги васиятнома тузиш йўли билан бекор қилинган биринчи васиятнома иккинчи васиятнома бекор қилинганда ҳам қайтадан тикланмайди».**

ФКнинг талабларига мувофиқ, Л. Дунаеванинг қонуний мерос-хўри - уйнинг эгаси Н. Ҳожиевадир. Хўш, Л. Дунаева нима учун ўз ўғлини - наслининг давомчисини мерос ҳуқуқидан маҳрум қилди? Саволни мана бундай тарзда қўйиш тўғрирок бўлади: Л. Дунаева нега муносиб мерос-хўр сифатида Н. Ҳожиевани танлади?

Журналист текшируви даврида марҳума яшаб ўтган «Матонат» маҳалласида бўлиб, марҳуманинг сўнгги ҳаётидан яхши хабардор бўлган кишилар билан учрашдик. Уларнинг маълум қилишича, марҳуманинг ўғли, даъвогар А. Дунаев Россияга кўчиб кетганига 10-15 йиллар бўлган. Ўшандан буён у онасининг ҳолидан хабар олганлиги, моддий ёрдам юбориб турганлиги, бундан ташқари, туман судининг ҳал қилув қарорида ёзилганидек, 1996 йил Тошкентга келиб Л. Дунаевани шифохонада даволатганлиги тўғрисидаги даъволари ёлғонлигини (ҳал қилув қарорида ҳам мазкур ҳолатлар асослантирилмаган) айтишди.

Шунингдек, марҳума яшаган 35-уй бошлиғи, кўшниси Р. Жалоловнинг айтишича, у марҳуманинг ўғли А. Дунаевни қарийб 6-7 йиллардан буён кўрмаган. У киши гапини давом эттириб, жумладан шундай деди:

-Шунинг учун Л. Дунаевани ҳолидан хабар олгани кунаро бирров кириб, у-бу ҳақда гаплашиб чиқарди. Ҳожиевлар оиласи кўчиб келиб, у кишига яхши қараётганлигини, Л. Дунаева ҳам жуда хурсандлигини кўриб уларга кўп марта раҳмат айтганман, дуо қилганман. Бир куни Л. Дунаеванинг ўзи «улардан мен жуда миннатдорман. Уз болаларимдай кўриб қолдим. Уй-жойимни шуларга қолдирмоқчиман», деб айтганди. Ҳожиевлар оиласидан у киши қанчалик миннатдор эканлигини шу атрофдаги ҳамма билади. Ҳожиевлар оиласи Л. Дунаевага қандай қараганлигини ҳам сўранг.

Суд у кишини касал деб қарор чиқарибди. Билмадим, нимага асосланган. Ахир Л. Дунаеванинг касал ёки касал эмаслигини у кишининг шу ердаги таниш-билишлари билмай, шаҳарнинг аллақаерида яшаганлар билармикин?!

-Мен Л. Дунаевага 7 йил қараганман,-деб гап бошлади марҳуманинг энг яқин дугонаси, ён қўшниси Людмила Валиева. ***-У кишини касал ёки касал эмаслигини мен жуда яхши биламан. Аммо мени суд чақирмади. Суд чақирмаса ҳам маҳалла аёллари билан келишиб боргандик, «Сенларни ким чақирди, керак бўлсаларинг ўзимиз чақирамиз»***(Шу син-

ЭГАСИ КИМ?

гари гапни «Матонат»маҳалласи раиси Р.Турсунов ҳам айтди) деб гапимизни эшитмади, орқамизга қайтариб юборишди.

Л. Дунаевани қаровсизлик қийнаб қўйганди. Ўлига олиб кет, онангни қийнама деб бир неча марта айтгандим. «Хўп-хўп», дерди, лекин айтганимни қилмасди. Ҳаттоки, Тошкентга келган вақтларида онасининг олдида ҳам ётмасди. Меҳмонхонага кетарди.

Назокат (Ҳожиева) лар бу ерга кўчиб келганидан кейин Л. Дунаева оёққа турди. Чунки қаровсизлик у кишини адои тамом қилаёзганди. Шуларга раҳмат. У кишига жуда яхши қаради. Л. Дунаева улардан қанчалик хурсанд бўлиб ўтганлигини, қанча-қанча дуолар қилганлигини мен биламан. Судга чақирганда мен айтган бўлардим.

Дарвоқе, маҳаллада кўпчилик билан гаплашдик. **Гаплашганларимизнинг деярли барчаси Л. Дунаевани «муомалага лаёқатсиз» деган суднинг хулосасини инкор этди. Бундан ташқари, суд нима учун уларни суд музокараларига чақирмаганлигига ҳайрон. Улар судга гувоҳликка нега чақирилмаганлигини биз ҳам тушунолмадик. Ҳамон тушунолмаймиз. Ахир, нима учун суд ўз ихтиёри билан судга гувоҳлик бериш мақсадида борган маҳалла фаолларининг кўрсатмаларини эътиборга олмай, шаҳарнинг турли чеккаларида яшаган Л. Туркеева** (даъвогарнинг қонуний вакили. Ҳал қилув қарорида негадир гувоҳ **(эсладингизми)** бўлиб қолган), **О.Богдасарова** (шахси, яшаш жойи номалум) **нинг ноаниқ кўрсатмаларига таяниб қарор чиқарди?**

Давлатимиз ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгач, ўзинии-ўзи бошқариш органлари фаолиятини чуқурлаштириш тўғрисида бир қатор Фармон, қарорлар қабул қилди. Мана- бугун кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш тамойили асосида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Зеро, ҳуқуқий демократик жамият - фуқаролар жамиятини яратиш йўлидаги вазифаларга ўзини-ўзи бошқариш органларининг жалб қилиниши демократия тамойилининг муҳим принципларидан ҳисобланади. Аммо туман суди 2-104-98 сонли фуқаролик иши юзасидан келиб чиққан ноаниқликлар кўп жиҳати билан ўзини-ўзи бошқариш органларига тегишли эканлигини англаган ҳолда, уларни бу ишга жалб қилмаган, бундан ташқари, бир томонлама - тарафларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминламасдан иш тутган.

Ўз-ўзидан бир савол туғилади: **Л. Дунаевани муомалага лаёқатсиз, деб топиш суд томонидан асослантирилганми?**

Маълум бўлишича, марҳума Л. Дунаеванинг Юнусобод туманидаги 31-поликлиникада сақланаётган «Тиббиёт дафтарчаси» юзасидан суд-тиббиёт экспертизаси тайинланган. Суд-тиббиёт экспертизасининг 1998 йил 15 июн кунги хулосасига кўра, Л. Дунаева 1996 йил 27 ноябрь куни Н. Ҳожиева номига берган васиятномани имзолаш пайтида ўзининг хатти-ҳаракатларига жавоб бера олмаган.

Дарвоқе, суд-тиббиёт экспертлари «Тиббиёт дафтарчаси»га асосланиб шундай хулоса беришга ҳаққи бормиди? Чунки, муомалага лаёқатсиз ҳисобланган фуқаролар руҳий касаллар шифохонасида махсус рўйхатда туради. Агар фуқаро руҳий касаллар шифохонасида рўйхатда турмаса, (агар у муомалага лаёқатсиз бўлса ҳам) уни руҳий жиҳатдан касал деб ҳисоблашга, қолаверса, фуқаролик ҳуқукини чеклашга қонун йўл қўймайди. Аммо Х. Сулаймонова номидаги Республика илмий-текшириш криминалистика Маркази мутахассислари буни унутган кўринади. Мана бу масаланинг бир томони. У томони эса - фуқаронинг вафотидан қарийб икки йил кейин уни «муомалага лаёқатсиз» деб топиш мумкинми? Бунинг устига «Тиббиёт дафтарчаси»га тояниб? Шу савол ўзининг муносиб жавобини топиши лозим.

Айтиш жоизки, жавобгар Н. Ҳожиева ФПКнинг 57-моддасига асосан, Тошкент шаҳар 1-руҳий асаб касалликлар шифохонаси ҳамда Тошкент шаҳар 2-руҳий асаб касалликлар шифохонасидан Юнусобод тумани Марказ-5, 35-уй, 70-хонадонда яшаб ўтган Л. Дунаева руҳий ёки ақлий жиҳатдан шикоят қилиб мурожаат қилмаганлиги, руҳий касаллар рўйхатида турмаслиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим қилади. **Бироқ суд бу ҳолатни нима учундир эътиборга олмаган.**

Шуни унутмаслик керакки, мазкур маълумотномани жавобгар Н. Ҳожиева эмас, балки суднинг ўзи сўровнома орқали талаб қилиб олиши қонун талабларига мувофиқ келган бўларди. Бироқ суд буни четлаб ўтган.

Бундан ташқари, Н. Ҳожиева томонидан тақдим қилинган мазкур маълумотнома суд томонидан рад қилинган. Лекин ФПКнинг 58-моддасига мувофиқ «маълумотнома»ни рад қилиш асослантирилмаган.

Хўш, «Маълумотнома»ни рад қилишга нима сабаб бўлди?

Шубҳасиз, марҳуманинг **«Тиббиёт дафтарчаси»**.

Юқорида айтиб ўтилганидек, марҳума Л. Дунаевага тегишли бўлган «тиббиёт дафтарчаси» туман судининг собиқ раиси Р. Абдулҳасанов томонидан 1997 йил 31-октябрь куни (А. Дунаевнинг «Даъво ариза»си ҳали туман судига келиб тушмасдан олдин) даъвогарнинг қонуний вакили Л. Туркеевага олиб берилганди.

Албатта, туман судининг собиқ раиси 31-поликлиника архивида сақланаётган «тиббиёт дафтарчаси»ни олиш учун «Фуқаролик иши» очилмасдан олдин хат ёзганлиги ҳақида тўхталиш шарт эмас, назаримда. Бироқ даъвогар талаб ва **22-бетдаги «6. XII. 92» куни билан ёзилган ёзувда ноаниқликлар мавжуд.** Жумладан, «17. 08. 95.» куни билан ёзилган ёзувда руҳий касалликлар шифокори **«невропатологнинг тавсиясига биноан»** текширганлигини маълум қилиб, ташхис қўяди. Аммо дафтарчода невропатологнинг тавсияси йўқ. Бундан ташқари, **ташхисни қўйган шифокор имзосини қўймаган.**

Поликлиниканинг Бош врачи Г. Қосимовадан мазкур ёзувлар юзасидан сўраганимизда:

- Биринчидан, бизнинг шифохонамизда психиатр йўқ. Иккинчидан, бунинг имзоси йўқ экан, демак, бу ёзув ҳақиқий эмас. Унинг ҳақиқий эмаслигига яна шуни сабаб қилиш мумкинки, бизда невропатолог бор. Аммо мана бу (22-бетдаги 6. XII. 92. куни билан ёзилган невропатологнинг ёзувни кўрсатиб) бизнинг врачнинг ёзуви эмас. Демак, айтишим мумкинки, «17. 08. 95.» куни билан ва «6. XII. 92.» куни билан ёзилган ёзувлар ҳақиқий эмас. Бу ёлланган врачнинг ёзуви бўлиши мумкин. «17. 08. 95.» куни билан қўйилган ташхисга врач ўз имзосини қўймаганлиги бу фикримни яна бир бор тасдиқлайди.

Сўнгра Г. Қосимова мазкур шифохонада «суяги қотган» шифокорларни чақириб, дафтарчанинг 20-22-бетларидаги ёзувларнинг таниш ёки нотаниш эканлиги тўғрисида сўради. Улар бу ёзувлар 31-поликлиника врачларига тегишли эмаслигини айтишди.

Тошкент шаҳар 2-сонли руҳий асаб касалликлари шифохонасидан (Юнусобод тумани мазкур шифохонага қарайди. Туманда руҳий касал деб ҳисобга олинганларнинг махсус рўйхати ҳам мазкур шифохонада сақланади) 1995 йилларда 31-поликлиникага келиб беморларни қабул қилган врачни излаб йўлга чиқдик.

У ердагиларнинг маълум қилишича, поликлиниканинг «тиббиёт дафтарчаси»га руҳий касалликлар шифохонаси врачининг ёзишга ҳаққи йўқ. Агар ёзиш лозим топилса, руҳий асаб касалликлари диспансерида беморнинг янги «тиббиёт дафтарча»си очилади.

ИККИНЧИдан, 1995 йиллар 31-поликлиникада Иванов деган (улар шундай тахмин қилишди) врач беморларни қабул қилган экан. Аммо марҳума Л.Дунаеванинг «тиббиёт дафтарчаси»даги шубҳали ёзувлар Ивановники эмаслигини айтишди.

Табиий бир шубҳа туғилади: **1998 йил 13 март куни гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Б. Шелипов мазкур мавхум ташҳисни қўймадимикин?** Ҳал қилув қарорида гувоҳ Б. Шелиповнинг кўрсатишича, **«у 1995 йилда Тошкент шаҳар 1-сонли руҳий касалликлари диспансерида навбатчи врач бўлиб ишлаган даврида у Дунаев А.нинг илтимоси билан унинг онаси Дунаева Л. Г.ни соғлигини текширганда, текшириш натижасида унинг «цебральный атеросклероз» деб ташҳис қўйганлигини, иккинчи марта текширганда эса унда тез ривожлантирувчи деменсия ҳолати кузатилган бўлса, Дунаева Л. Г.ни доимий парвариш қилиш ёки ақли норасо ногиронлар уйига жойлаштиришни маслаҳат берган».**

Б. Шелиповни излаб Тошкент шаҳар 1-сонли руҳий асаб касалликлари диспансерига бордик. Аммо Б. Шелипов бу ерда ишламаслиги маълум бўлди. Шундан сўнг бўлим бошлиги А. Ермакова-га учрашиб, «тиббиёт дафтарчаси»даги ёзувни кўрсатиб **«Шу ёзув сизга танишми?»** деб сўрагандик, у киши ёзувга кўз югуртириб:

-Ҳа, бу Б. Шелиповнинг почерки, -бироз ўйланиб туриб, **-аниқ**,-деб ёнида ўтирган аёлга қаради ва: **-бу Б. Шелиповнинг почерки менимча, сиз нима дейсиз?**-деди.

У киши ҳам (исми шарифини айтишни истамади. Б. Шелипов билан яқин таниш экан) шубҳали ёзувга кўз ташлаб:

-Ҳа, Б. Шелиповники,-деди.

Хўш, **Б. Шелипов мазкур (17. 08. 95.) ёзувни нима мақсадда, қачон ёзган?** Ҳал қилув қарорида келтирилганидек, даъвогар А. Дунаев уни уйига онасини кўриб кўйиш мақсадида таклиф қилганми? Агар таклиф қилган бўлса, нима учун **«Невропатологнинг тавсиясига биноан»** деган ёзувни ёзган? Нима учун ўз имзосини қўймаган? Б. Шелипов марҳумани **икки марта текшириб, икки марта ташҳис қўйган экан, ёзув нима учун битта? Ёзув «тиббиёт дафтарча»да ёзилганидек «17. 08. 95.» кунида ёзилганми ёки 1997-98 йилларда?**

Айтгандай, Б. Шелипов 1995 йил 1-сонли руҳий касалликлар диспансерида ишлаганми?

1-руҳий асаб касалликлари диспансери Бош врачи Ш. Ибрагимова бу ҳақдаги сўровномага қуйидагича жавоб қайтарди:

«Ташкентский городской психоневрологический диспансер N1 сообщает, о том, что Шелепов Б. С. в списках диспансера с 1995 года не числится, и никаких сведений на него нет.

Главный врач:
Ибрагимова Ш. Х.»

Демак, ҳал қилув қарорида ёзилганидек, Б. Шелипов марҳума Л. Дунаевага 1995 йил ташҳис қўймаган. Аксинча, марҳуманинг «тиббиёт дафтарчаси»ни Л. Туркеева қўлга киритгани (1997 йил 31 октябрь) дан кейин мазкур («17. 08. 95.») ёзувни ёлланиб - ғайриқонуний равишда ёзган.

ИККИНЧИдан, ўз-ўзидан шундай тахмин келиб чиқади: «6. XII. 92.» куни билан ёзилган ёзувни гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Ахмадуллина ёзган.

Шундай дейишга ҳақлимиз. Чунки, буни қуйидаги ҳолатлар яна бир бор тасдиқлайди: Хўш, нега даъвогар А. Дунаев онасининг соғлигини текшириб кўришни айнан Б. Шелиповдан илтимос қилди. Ахир, Б. Шелипов ҳеч бир руҳий асаб касалликлари диспансерида ишламасди-ку.

ИККИНЧИдан, майли Б. Шелипов даъвогарнинг яқин таниши бўлганлиги учун ҳам айнан у кишини таклиф қилди ҳам дейлик. Агар шундай бўлса, **нега онасини «доимий парвариш қилиш ёки ақли норасо ногиронлар уйига жойлаштириш» (Ҳал қилув қароридан) тўғрисидаги Б. Шелиповнинг маслаҳатини бажармади? Нима учун онасининг оғир касаллигини била туриб Россияга (агар ростдан ҳам Тошкентга келган бўлса) бамайлихотир қайтиб кетди?**

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юқорида зикр этиб ўтилган икки **(«17. 08. 95.». «6. XII. 92.»)** ёзув юзасидан хатшунослик экспертизаси ўтказилиши лозим **(жавобгар Н. Ҳожиева суд мажлисида «тиббиёт дафтарчаси»га киритилган ушбу ёзувлар юзасидан хатшунослик экспертизаси ўтказиш лозимлигини айтган. Аммо жавобгарнинг бу талаби ҳам суд томонидан қаноатлантирилмаган).** Шунингдек, ёлланган (юқоридаги фактларга асосланиб шундай дейишга ҳақлимиз) гувоҳлар Б. Шелипов ҳамда Ахмадуллина марҳуманинг «тиббиёт дафтарчаси»га мазкур ёзувларни қачон, кимнинг таклифи (ёки қистови) билан киритганлиги тўғрисидаги масалага тергов органи томонидан ойдинлик киритилиши ва шунга асосан уларнинг судда ёлғон гувоҳлик қилганлиги ҳамда нотўғри кўрсатма берганлиги, «тиббиёт дафтарчаси»га сохта ёзув киритганлиги учун жавобгарлик масаласи кўриб чиқилиши керак.

Бундан ташқари, 1997 йил 7 ноябрь куни туман судига келиб тушган, аммо 1997 йил 10 ноябр куни билан ёзилган даъвогар А. Дунаевнинг шахсан имзоси билан тасдиқланмаган «Даъво ариза» ким томонидан ёзилганлиги ҳам хатшунослик экспертизаси орқали аниқланиши лозим.

Шавкиддин ҒАНИЕВ,
«Ҳуқуқ»нинг махсус мухбири

Назм

ИСТАК

Маърифат йўлларга таратсин зиё,
Бўлсин толеимиз тонглар каби оқ,
Ҳар дам кўзимизга бўлсин тўтиё,
Ўзбекистон деган шу азиз тупроқ.

Бунда айтилмасин «уруш» деган сўз,
Йўқолсин қолдирмай ортда зурриёд.
Кимдир ногоҳ уни этса талаффуз,
Тушунмай елкасин қиссин одамзот

ЎГИТ

Билолмайсан муздек сувнинг қимматини
Чанқамасанг саратонда саҳро кезиб.
Сезолмайсан яхшиларнинг ҳикматини
Қийнамаса номард одам бағринг эзиб.

Шуъла излаб ўртанмасанг узун тунлар
Нурга тўлган субҳидамни қуйламайсан.
Гар бўлмаса изтиробга тўлиқ кунлар
Бормикан деб шодлик ўзи ўйламайсан.

Енгил-елпи топилган бахт беқадрдир
Таққос қилгин шўр туз билан ширин овқат.
Белни боғлаб бахтинг изла, бахтни ахтар,
Изланишда сен топасан чўнг фароғат.

Зўр курашлар эвазига келган висол
Номардлару мунофиқлар кўзин олсин.
Курашларда ўтиб умринг маёқ мисол,
Авлодларга йўлчи юлдуз бўлиб қолсин.

Йўлдош ПАРДА

Юлдузлар ҳаёти

СИЗ БИЛГАН «ТЕМИР МАЙК»

Американи чексиз имкониятлар диёри, дейишади. Бўлса бордир. Лекин қора танли Майк Тайсонга ана шу «чексиз имкониятлар диёри»да «темир Майк» номини олиб юриш осон кечмаяпди. Болалигидан расизм (ирқчилик)нинг азобини татиб келган Тайсоннинг мағрур боши узра қора булутлар неча бор айланиб, неча бор тарқамади, дейсиз. Профессионал бокс қироллигини Муҳаммад Алидан мерос қилиб олган Тайсон (Малик Абдул Азиз) ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтди. Ўзини Аллоҳнинг бандаси ва ринглар қироли, деб билган Тайсон узоқ йиллар мағлубият нималигини билмади. Жаҳон аҳлининг меҳрини қозонди. Ёшларнинг идеалига айланди.

Тўғри, сўнги йилларда «ҳаддидан ошишлари» унинг шаънига доғ бўлиб қолди. Бироқ бу доғлар унинг ашаддий мухлислари ихлосини сўндира олмади, Тайсонга лаънат тамғасини ёпиштирмоқчи бўлганларнинг қора ниятлари тўла амалга ошмади.

Омон бўлсак кўраверамиз, «Темир Майк»нинг темир иродаси қанча бардош берар экан ғайирликларга.

Тайсон атрофидаги сўнги шов-шувлар:

Аср охиридаги жангги унинг учун рингдаги жангларининг охиргиси бўлишига бир баҳя қолди. Бор -йўғи бир раундга ҳам бардоши етмаган Норрис ва унинг мураббийлари жангни давом эттиришдан бош тортишганида, Тайсонни қоидани бузди, деб хисоблаганларида Майкдан кўра унинг мухлислари кўпроқ ташвишга тушишгани бор гап. Ахир, шундай деб топилганда Тайсон қайта рингга тушмаслиги, ундан лицензия олиб қўйилиши тайин эди. Ҳарқалай, мусоҳабалар натижаси Тайсон фойдасига бўлди. Унга кўра Майк Тайсонга нақд 8,5 миллион доллар ютуқни ғолиб сифатида олиш насиб бўлди. Лицензия ҳам сақлаб қолинди. Демак, Тайсон яна рингга чиқади. Фақат бир шарти бор, унинг иштирокидаги жанг Америкада эмас, Европада ўтказилиши керак бўлади. Ҳечқиси йўқ, мардга майдон бўлса бўлгани.

Спорт

Футбол

Футбол бўйича VIII миллий чемпионатда XXIX тур учрашувлари бўлиб ўтди. Чемпионатда пешқадамлик қилаётган «Дўстлик» жамоаси ўз майдонида «Металлург»ни қабул қилиб, 3:2 ғалаба қозонди. Бу билан «Дўстлик» муддатидан илгари чемпионликни қўлга киритди.

Сўнги тур учрашувларидан кейин 2-3- ўринлар соҳиблари маълум бўлади.

Бокс

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида бокс бўйича XX Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Бир ҳафта давом этган мусобақаларда ўзбек боксчилари ҳам фаол иштирок этишди.

Ўтган шанба куни спорт мажмуи спорт ишқибозлари билан лиқ тўлди. Мухлислар финал ўйинлари ва мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимини томоша қилишга тўпланишган эди.

Финал учрашувларида жамоамиздан 7 нафар боксчи иштирок этиб, барчаси ғолибликни қўлга киритишди. Ўз вазн тоифалари бўйича ғолиб бўлган Дилшод Йўлдошев, Алишер Раҳимов, Тўлқин Турғунов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Сергей Михайлов, Руслан Чагаев, Рустам Саидовлар чинакам ўзбек қаҳрамонларига айланишди. Энг қувончлиси шуки, улар 2000 йил Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Ках-қаҳа бекати

ҲАММАСИНИ ТАНИЙМАН

-Яхши қиз, сиз билан танишиш мумкинми?

-Мумкин.

-Исмингиз...

-Гуля.

-Телефонингиз...

-Нима, телефон қилмоқчимисан?

-Ҳа.

Қиз ёнидан «сотка»сини олиб йигитга узатар экан деди:

-Ма, қиволақол телефон.

***

- Алё, дўхтир? Тез етиб келинг! Ўғлимиз тирик сичқонни ютиб юборди.

- Ҳозир бораман. Сиз унгача болангизнинг оғзини очиб, пишлоқ тутиб туринг. Балки сичқоннинг ўзи чиқиб қолар...

Доктор етиб келиб қараса, ўғилнинг оғзи олдида балиқ тутиб туришибди.

- Нима қилаяпсиз? Ахир мен сизга пишлоқ тутиб туринг, деб айтган эдим-ку.

- Э, дўхтир, биз энди мушукнинг чиқишини пойлаяпмиз...

***

-Дўхтир, мендан ҳеч нарсани яширмаслигингизни илтимос қиламан. Ҳатто энг дахшатлисини бўлса ҳам: Айтингчи, эрим синган қўли билан бундан кейин ҳам идиш-товоқни ювадими?..

***

Туризм агентлигига бир йигит мурожаат қилаяпти:

- Мен Санта-Барбарага путёвка олмоқчи эдим.

- Нега энди айнан Санта-Барбарага?

- Чунки мен у ердагиларни ҳаммасини танийман-да...

***

Театр биносига кираверишда эр хотинига қараб:

- Азизам, янги костюмни кийинг, деб бекор айтдинг-да...

- Нега энди, у сизга жудаям ярашиб турибди.

- Тўғрику-я, лекин чипталар эскисининг чўнтагида қолибди.

Бунга нима дейсиз?

Ёлғоннинг ёлғонлигига ишонтиришдан кўра, ростни ёлғонга чиқариш осон



Боксчиларимиз Осиёни забт этишди

Ўтган сонда берилган кроссворд жавоблари:

Бўйига: 1. Қаламтарош. 2. Сайёра. 4. Рақкоса. 5. Палов. 6. Лаъли. 7. Гулқайчи. 8. Термометр. 9. Жўка. 10. Саҳар. 15. Қанот. 17. Арғамчи. 18. Аккордион. 19. Квадрат. 20. Лимонад. 25. Ой. 26. Аспирин. 27. Тонг. 29. Африка. 30. Май. 32. Акашак. 33. Уфқ. 34. Арава. 35. Арзон 36. Оташхона. 37. Горизонт. 42. Карнавал. 44. Тивит. 48. Лак. 49. Вақтинча. 50. Бекинмачоқ. 51. Минус. 52. Тун. 55. Имом. 57. Стол. 59. Кема. 64. Ананас. 65. Айиқ. 68. Магма. 72. Той. 73. Ака. 74. Кир. 75. Ари. 76. Ада.

Энига: 1. Қаср. 3. Чархпалак. 8. Тож. 11. Лайлак. 12. Ларёк. 13. Оқчорлоқ. 14. Маршал. 16. Ойимча. 19. Калхат. 21. Реактив. 22. Тиғ. 23. Азмкор. 24. Шоколад. 28. Исковуч. 30. Масал. 31. Фазилат. 32. Атиргул. 36. Онг. 38. Бригадир. 39. Қор. 40. Кит. 41. От. 43. Ов. 44. Тан. 45. Барно. 46. Ошлиқ. 47. Алик. 51. Магнит. 53. Апологет. 54. Илиқ. 55. Ит. 56. Аванс. 58. Тракт. 60. Илм. 61. Ун. 62. Оқ. 63. Салла. 66. Норма. 67. Мум. 69. Йўл. 70. Шакар. 71. Афт. 73. Аччиқ. 75. Ақча. 77. Ист. 78. Лайлакқор. 79. Абсцесса.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир
Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.
Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 12933. Буюртма Г-0947. Бичими А-3.
Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ
1 2 3 4 5 6
Сотувда эркин нархда.
Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 17.30